



Кашкадарё вилояти
Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги



Шахрисабз Давлат музей кўрикхонаси
Амир Темур номи
моддий маданият тарихи музейи



Ўзбекистон Фанлар академияси
Темурийлар тарихи давлат
музейи



АМИР ТЕМУР МЕРОСИ ВА КЕШЛИК АЛЛОМАЛАР

Халқаро илмий-амалий конференция
материаллари



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲРИСАБЗ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ШАҲРИСАБЗ ДАВЛАТ МУЗЕЙ ҚЎРИҚХОНАСИ
АМИР ТЕМУР НОМЛИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

АМИР ТЕМУР МЕРОСИ ВА КЕШЛИК АЛЛОМАЛАР

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.
Шаҳрисабз, 2019 йил 9 август

Шаҳрисабз
2019

Абдуллох ибн Абу Аробанинг суҳбатини ўзларингизга лозим тутингизлар, яъни улар айтган ҳадисларни маҳкам тутингизлар” дедилар¹.

Мазкур тўрт муҳаддис ҳам етук муҳаддислар силсиласига киритилган бўлиб, улар яшаган Термиз, Кеш, Самарқанд ва Шош шаҳарларида илм-маърифат ривожланганидан ёрқин далолат. Абдуллох ибн Муборак Марвазий (736-797) томонидан Мовароуннаҳр ҳудудига ҳадис илми кириб келган ва биринчи бўлиб, ҳадис китобини таълиф этган шахс ҳам Абдуллох ибн Муборак Марвазий бўлган.

Юқорида келтирилган тарихий маълумотлардан илмий хулоса олинадиган бўлса, ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг Насаф ва Кеш диёрларида маданий муҳит ривожланиб, ўзига хос ҳадис ва фикҳ мактабига асос солинган. Бунинг натижасида диёримиздан кўплаб муҳаддис, муфассир, факих, олиму мутафаккирлар етишиб чиқиб, дунё илм-фан равнакига катта ҳисса қўшган. Воҳанинг маданий тарихи ва ундан етишиб чиққан алломалар меросини ўрганиш ҳамда кенг тадбиқ этиб боришда жамиятимизнинг тарихий тарққиёти ва ёшларимиз маънавий камолоти йўлида илмий аҳамияти каттадир.



В статье рассматриваются данные из письменных источников по развитию истории культурной среды средневекового Кеша. Кеш центр науки и образования и мыслителей который жили в деревнях Кеша.

This article Cash on the environment and regional development, cultural and educational history of the historical sources. Cash Center of Science and Education and thinkers who lived in the villages of Cash.

Наби ХУШВАҚОВ., Бехруз БОБОЖОНОВ.

МУҚАННАНИНГ КЕШДАГИ ҚЎРҒОНИ ҲАҚИДА

Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳар Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейи Ҳисор тоғининг Яккабоғ ҳамда Қамаши туманларидаги ҳудудда археологик кузатув ва изланишларни амалга ошириб келмоқда. Этнография, археология ва манбашунослик мутахассисларидан ташкил топган мазкур экспедиция Яккабоғ туманининг Тутак, Ишкент ҳамда Қамаши туманидаги Қизилтом қишлоқлари ҳудудида (Яккабоғ ўрмон хужалигига қарашли), денгиз сатҳидан 2500-3000 м. баландликда жойлашган ғорлар, унгурлар, маҳаллий аҳоли Қатов деб атайдиган ва асосан чорва моллари боқишга қулай ерда харсангтошдан бунёд этилган сунъий тош девор топди. Бу Қўрғонча номи билан аталувчи ёдғорлик бўлиб, унинг девори 1,70 м баландликка, эни эса 1,50 м дан 1,80 м ўлчамга эга. Бугунги кунларгача

¹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани ал-Боғдодий. ат-Такйид ли маърифати руввоти-с-сунани ва-л-асонид. (муснад ва сунанлар ровийларининг танишликни қайд этиш китоби). 2000. Ж.1. – Б.83.

Қўрғонча ёдгорлик сифатида маданий мерос объекти руйхатига олинмаганлиги учун янги ёдгорлик сифатида қайт этиш мумкин.

Ёдгорликка Турнасойнинг Дарвоза деб аталувчи дараси ичидан Келинтоймас тор йўлаги орқали чиқилади ва тош деворларнинг колдиклари Қатовдан Татар қишлоғига қадар давом этган.

Меъморчилик иншооти қадимги даврлардаёқ жиддий зарар кўргани, бузиб ташлангани яққол кўзга ташланса-да, унинг мудофаа мақсадида қурилгани ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Қўрғончанинг ҳамма томони ҳам тош девор билан ўраб чиқилмаган. Масалан унинг жануб тарафида 46 м. ораликда девор қурилмаган ва эҳтимол бу жой шартли равишда кўрғоннинг дарвозаси учун қолдирилган. Қўрғоннинг жануб томони сунъий мудофаа иншоотига муҳтож эмас, чунки Қўрғончадан Турнасойгача 300 м. дан зиёроқ тик нишаблик мавжуд. Шимол томондан ҳам кўрғонни тик нишабликлар ўраб турган бўлса, шарқий томонида эса тик баландлик мавжудлиги учун девор тикланмаган. Қўрғончанинг шарқий ва жанубий томонидан бошлаб 1,10 м. қалинликда тош харсанглардан иборат яна бир девор тикланган. У Қўрғонча деворлари билан туташ ва мудофаа мақсадида қурилганлиги аниқ кўриниб туради.

Турнасойдан чиқадиган Келинтоймас тор йўлагига йирик бир қоя мавжуд ва у денгиз сатҳидан 2500 м дан зиёд баландликда жойлашган. Қоя ҳарбий стратиграфик жихатдан жуда қулай, тепадан Қамашидан Китоб тумани ҳудудларини эгаллаган қадимги Кеш “кафтдагидек” кўзга ташланиб туради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Бақриядан Суғдиёнанинг пойтахти – Самарқандга олиб борадиган антик даврга оид тоғ йўли Сангардак-Бойсун-Майданак–Кеш орқали ҳам ўтган. Дарҳақиқат, Катта Лангар, Майданак орқали Бойсун ҳамда Сангардакка от ва эшак орқали юриладиган йўл мавжуд бўлиб, яқин вақтларгача чорвадорлар шу йўл орқали чорваларини Қамаш, Яккабоғ ва Шаҳрисабз мол бозорларида сотиш учун олиб келишар эди.

VIII асрда араб халифалигига қарши кўтарилган Муқанна (Ҳошим ибн Ҳаким) кўзғолони ва мазкур кўзғолон билан боғлиқ тарихий жойлар масаласида манбашунослар, тарихчилар, археологлар ўртасидаги кизгин мунозарали тортишувлар мавжуд. Кеш ва Нахшаб 710–712 йилларда араблар томонидан истило қилинади. 775-йилда Мовароуннаҳрда бошланган кўзғолонлар фақатгина янги дин – исломга қарши эмас, балки араблар жорий этган солиқлар тизимига нисбатан бўлган норозилик халқнинг қаршилиқ ҳаракатларига сабаб бўлган эди.

Ушбу кўзғолонларнинг асосий марказлари Кеш ва Насаф вилоятлари бўлган. Ундан Муқанна самарали фойдалана олди. Ёзма манбаларда қайд этилган Кешнинг тоғли ҳудудида жойлашган кўрғоннинг ўрни (локализацияси), қайси даврда қурилгани, меъморчилик ашёлари, тоғ меъморчилигида қўлланилган услублар ҳамда ечимларини аниқлаш жуда долзарбдир.

В.В. Бартольд Муқанна кўрғони Сиём тоғида жойлашганлиги, мазкур тоғ Наршахий асарларида Сом ва Ибн Рустада Сином деб аталишини таъкидлаб

ўтган. Манбаларда Муқанна қалъасида 50 мингга яқин аскарлар яшагани ва қалъа ичида булоқлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Муқанна Кеш ва Насаф худудларида арабларга қарши 14 йил мобайнида кураш олиб борди ва бу давр мобайнида йирик мудофаа иншоотлари куриш учун вақт ва иқтисодий имкониятлардан чекланган эди. У аввалдан мавжуд бўлган йирик тоғ қалъасини танлаб олиб ўзига мослаштиришга ҳаракат қилган, уни ҳарбий мудофаага мослаштириш учун таъмирлаш ишларини амалга оширган бўлиши ҳам мумкин.

Қўрғонни ўрнини аниқлаш масаласида мавжуд ёзма манбалар ёзма манбалар-хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида ... “Инчканд-Муқанна фуқаролари яшаган шаҳарнинг номи. Сўнг хароб бўлган” деган маълумот бор. “Инч” сўзи “тинч” деган маънони беради. Айнан Инчкандга Ҳисор тоғ олди худудида жойлашган Яққабоғ туманидаги Ишкент қишлоғи ўхшашдир. Ишкент қишлоғи Қўрғонча ёдгорлигига энг яқин қишлоқ бўлиб, юқоридан яққол кўзга ташланиб туради (*Илова № 7 қаранг*). Археологик жихатдан текшириб чиқилганида эса қишлоқ худудида илк ўрта асрларга оид ислом дини урф-одатларига зид равишда дафн этилган йирик қабристон мавжудлиги аниқланди.

Манбаларга кўра, “Никобдор-Муқанна” лақабини олган Ҳошим ибн Ҳаким 719 йилда Марв шаҳри яқинидаги Коза қишлоғида туғилган. Маҳмуд ибн Вали унинг туғилган жойи Ҳирот вилояти Бодғиз туманидаги Кориз қишлоғи деб маълумот берса-да, манбаларда Ҳошим ибн Ҳаким Марвазий нисбаси келтирилиши Маҳмуд ибн Валининг тахминини шубҳа остига кўяди.

Муқаннанинг асл касби қудунгарлик, яъни матоларга оҳор бериш бўлган. Муқаннанинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятига оид маълумотлар Абу Муслим Аббосийларнинг лашкарбошиси ва ноиб бўлган даврларга тўғри келади. Абу Муслим Хуросон ва Мавароуннаҳрни халифаликдан ажратиб олиш ва мустақил давлат тузиш ғояси учун қатл этилгач, уни ғоясини қўллаб-қувватлаган Муқанна 759 йилда Абдужаббор Аздий билан биргаликда исён кўтаради ва исён бостирилгач, у зиндонга ташланди. Тутқунликдан қочишга муваффақ бўлган Муқанна 769 йилда Марвга қайтиб келиб, яна халифаликка қарши кураш бошлайди. Кўринишидан унинг Марвдаги исёни маҳаллий халқ оммасини кенг камраб ола олмади ва у тарафдорлари билан Амударёдан кечиб, арабларга қарши курашга кўпроқ хайрихоҳ бўлган Кешга кириб келди.

Деярли барча манбаларда масалан, ўрта асрларда яшаган муаррихлар Абусаид Гардизий (“Зайн ул ахбор”), Абу Али Муҳаммад Бальямий (“Таржимаи тарихи Табарий”), Абу Райхон Беруний (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (“Бухоро тарихи”), Ибн ал-Асир (“Тарихи ал-комил”) ва Маҳмуд ибн Валининг (“Баҳр ул-асрор”) асарларида Муқаннанинг бош қароргоҳи Кешдаги Сом (баъзи манбаларда Сиём) деб аталган тоғдаги қалъада жойлашганини тасдиқлайди.

Сом ёки Сиём термини сўғдийча бўлиб, араб географлари мазкур тоғни арабчада Ҳисор деб атайдилар. Ҳисор қалъа ёки шаҳристон маъносини англатади, қадимги Кеш вилояти худуди қўрғонсимон тарзда тоғ тизмасидан

иборатлиги хисор терминини қўллашга сабаб бўлган бўлса керак. Ш.Камолиддинов Шахрисабз туманининг шарқий қисмида жойлашган Ҳисор тоғ тизмаларини Сином деб аталади, деб ҳисоблайди. Махмуд ибн Вали асарида эса Сийом номли баланд тоғлар Насаф ва Чағониён йўли ўртасида жойлашган. Бизнинг фикримизча, Ш. Камолиддинов таъкидлаган Сином ёки Махмуд ибн Вали Сийом деб атайдиган тоғлар Китоб-Кешининг шарқий қисмидан бошланиб Қамашу туманидаги Қатовгача бўлган тоғ тизмалари аталган.

Муқанна қалъасини араб босқинчилари томонидан бузиб ташланганлиги ҳақида барча ёзма манбаларда тўлиқ маълумотлар мавжуд. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” ҳамда Абу Али Мухаммад Бальямийнинг “Таржимаи тарихи Табарий” асарларидаги маълумотларга кўра, араб лашкарбошиси Маоз ибн Муслим Муқаннанинг қалъасига элчи жўнатиб, уни таслим бўлиш ва ислом динига киритишга ҳаракат қилиб кўрган. Элчи Муқанна қалъасида 10 йилга етадиган озиқа ғамлаб олгани, унинг хизматида бўлган ғуломлар унга иззат-хурмат кўрсатгани, қалъанинг қурилиш тафсилоти - қалъа иккита кўрғондан иборатлиги ва қиш вақтларида қалъага ҳужум қилиш бефойдалиги ҳақида муҳим маълумотлар берган.

Қатовдаги қалъа-Кўрғонча бир-бирига туташ иккита тош кўрғондан иборат ва географик жиҳатдан ҳарбий мудофаа учун жуда қулай муҳитда жойлашган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида араб қўшини сардори кекса ва тажрибали Саид Хараший Муқанна қалъасини ишғол этишда икки томондан ўраб олиш ҳарбий тактикасини қўллаши катта самара берганлиги ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Мовароуннахрнинг йирик сиёсий ва маданий маркази – Самарқандни ишғол қилиб Тахти Қорачар девонидан ўтиб келган араблар дастлаб Кеш вилоятининг марказий шаҳрини (Кеш-Китоб) вайрон этиб, сунгра Қамашу туманидаги Қатовда жойлашган Кўрғончадаги Муқанна аскарларини узок муддат қамал қилиш, ҳарбий дипломатик сиёсатлар асосида қалъани бутунлай вайрон этишган.

Хулоса қилиб айтганда, Қамашу туманидаги хушманзара Қатов тоғи ва унинг атрофидаги қишлоқларда олиб борилган археологик, этнографик ва манбашунослик йўналишидаги амалга оширилган дастлабки тадқиқотлар натижасида Кўрғонча ёдгорлиги кашф этилди ва мазкур ёдгорлик Кеш ҳокимлари томонидан антик даврда бунёд этилган бўлиб, ўрта асрларда ҳам кенг фойдаланилган.

Муқанначилик ўн тўрт йиллик ҳокимиятдан сўнг, ҳалокатга юз тутди. Унинг ўлими тўғрисида қарашлар ҳар хил. Наршахий бу санани ҳижрий 167 (мил.784) деб кўрсатади. Манбалар қиёси, воқеаларнинг изчиллиги бу ҳалокатнинг анча кейин, ҳижрий 170 йилдан сўнг юз берганлигини кўрсатади.

Халифалик муқанначилардан шафқатсизларча ўч олган. Исён Марказий Осиёда араблар ҳукмронлигига қарши ҳаракатлар, қурашлар тарихида катта сиёсий аҳамият касб этади. Бу умумхалқ кўтарилишидан кейин фотиҳлар маҳаллий халқ вакиллари билан ҳисоблашишга, уларни бошқарув ишларига

аралаштиришга мажбурият сезади. Соликлар масаласида биркадар ён берилади, тамга солиғи бекор қилинади.

Поён РАВШАНОВ

СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАРДА КЕШ ВА НАСАФ

XVI-аср охирларига келиб, Шайбонийлар ҳукмронлиги заволга юз тутади. Абдуллахон II вафотидан кейин Мовароуннаҳр тахтига унинг ўғли, Балхда ҳокимлик қилиб келган Абдулмўминхон чиқади. Қаттоллиги билан ном чиқарган Абдулмўминхон кўп ўтмай, Бухорода суиқасд қурбони бўлади. Шайбонийлар наслидан тахтга ворис бўлмаганлиги сабабли, салтанатга Жонийлар - Аштархонийлар эгаллик қилади. Келиб чиқиши Жўжи авлодидан /Чингизхон ўғли/ бўлган, Рус подшоҳларининг сиқуvidан бошпана истаб, Бухорога /Миёнкол/ келиб, турғун бўлиб қолган, Абдуллахон авлоди билан қудалашиб қолган Аштархонийлар /Аштархон – Ҳожи Тархон – Астрахан/, Абдуллахоннинг жиянлари Вали Муҳаммад, Имомқулихон, Абдулазизхон, Субхонқулихон, Убайдуллахон, Абулфайзхонлар бирин-кетин тахтда ҳукм суради. Аштархонийлар сулоласининг хотимаси Абулфайзхон, унинг ўғли билан хотима топади. Бу воқеа 1747–1748 йилларда содир бўлади.

Аштархонийлар даврида мамлакатни бошқариш уруғчилик мавқеи асосида олиб борилади. Қашқадарё воҳасида 92 ўзбек уруғининг аксар вакиллари ҳаёт кечириб келарди. Бу уруғлар орасида манғитлар, кенагаслар, жузлар /юзлар/, минглар, кўнғиротлар, найманлар, саройлар, кушчилар мавқеи баланд эди. “Ўнг ва сўл” уруғлари амирлари - бийлари хон саройида кавмининг нуфузига қараб жой ва мансаб эгалларди. Вазирлар, девонбегилар, умаролар қайси кавмининг нуфуси, чериги, бойлиги кўп бўлса, шундан келиб чиқиб, танланарди. Давлатни бошқаришда уруғчилик сиёсати хоннинг рутбасини пасайтирар, аксинча, қабилалар бошлиқларининг ўзбошимчалигига йўл очар, бирикмаслик, ўзаро ихтилофларни кучайтирар эди. Шу сабабли ҳам, Аштархонийлар даврига келиб, Мовароуннаҳр уч хонликка бўлиниб қолди. Пойтахт Бухоро таркибидан Хоразм ва Қўқон /Фарғона/ хонлиги ўз ҳудудини бўлак қилиб олди.

Икки дарё оралиғидаги давлат парчаланиб, бошбошдоқлик кучайди, хонликлар ичида мустақил, ярим мустақил бекликлар пайдо бўла бошлади. Туркистондек маъвонинг, бир пайтлар куч ва қудрати билан жаҳонни ларзага солган Амир Темур юртининг сиёсий таназзулни бошдан кечираётганлиги хорижнинг назаридан четда қолмади. Шу сабаб, 1737 йилда Эрон подшоҳи Нодиршоҳ Афшорнинг ўғли Ризоқули Қарши талабида катта кўшин билан бу воҳага бостириб келади.

Бу вақтда Қарши билан Шаҳрисабз ўртасида уруғчилик айирмалари авж олган, Шаҳрисабзга тобеъ бўлган Хузур беклиги ҳам Қарши манғитлари билан низо мақомида эди. Эроний қизилбошлар Қаршига юриш бошлаганларида

“КЕШЛИК АЛЛОМАЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ”

Уватов У. Насафлик алломаларнинг ислом динини ривожлантиришдаги буюк хизматлари.....	131
Исҳоков М. Илк ўрта асрларда Кеш тарихига оид баъзи маълумотлар.....	139
Монолдоров Ж.А. (Кыргызстан). Сохибкиран Амир Темур.....	142
Умаров У. Кеш – илм ва адаб гумбази.....	143
Хушвақов Н.О., Бобожонов Б.Б Муқаннинг Кешдаги кўргони хақида.....	148
Равшанов П. Сўнгги ўрта асрларда Кеш ва Насаф.....	152
Чориев А., Низомов Х., Аҳмадова Н. Сохибкирон Амир Темурнинг Қуръони Карим асл нусхасини келтирилиши тарихи.....	157
Тўлқин Ҳайит. Кеш уммонидаги тўрт жавохир.....	161
Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс Насафийнинг “Матла’ ан-нужум ва мажма’ ал-‘улум” асари – ўрта аср таълим тизими бўйича муҳим манба.....	166
Бўриев О., Раҳмонов Ф. Кешлик алломаларнинг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссаси.....	170
Исмоилов М. Шайх ва олим Исмоилхон Фақирӣ-Шаҳрисабзий ижодида нақшбандия ғоялари ва Хожа Муҳаммад Порсо асарлари таъсири.....	174
Исломов З.М. Шарқ алломалари энциклопедияси: Темурийлар даври.....	181
Раҳматуллаева У.С., Миртолипова Н.Х. XV–XVI асрларда сарой хонимларининг кийиниш маданияти ва либослар таҳлили.....	185
Қурбонова Д.А. Дунё музейларидаги темурийларга оид моддий мероснинг ўрганилишига доир.....	188
Иловалар	190
Муаллифлар жамоаси	203